

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 28 (65855)  
1995 йил, 1 август, сешанба

Сотувда  
эркин нархда

Қанчалик кўп ўқиманг ва билманг, шунчалик кўпроқ билмоққа, ўқимоққа чанқоқ бўлиб бораверасиз. Бундай чанқоқликларни босишга ўз ҳиссасини қўша олган «Тонг юлдузи» газетамизнинг илк сонларини боболаримиз бола ёшида ўқиганлар. Кейинчалик уларнинг болалари, набиралари, эваралари ўқидилар. Ҳаёт абадий экан, инсон насли ҳам абадийдир. Ўзбек болаларининг билимини ошириш ва тарбиялашда дўст, йўлбошчи, ҳамоячи бўла олган «Тонг юлдузи» биринчи марта «Ленин учқуни» номи билан худди шу бугун, яъни 1 АВГУСТДА (1929 йил) чиқа бошлаган.

Ўшанда 3 минг нусхада босилган газета йиллар давомида ўз нусхалари сонини ўзгартирсада, қувноқлиги, навқирон ва ҳақиқатпарварлигини ҳамisha сақлаб қолди. Ҳар бир сониди болалар онгиди юксак фикр, олийжаноб мақсад-

ларни уйғотадиган бирорта мароқли ва қизиқарли материалларни ўз ўқувчиларига ҳади қила олди. Йиллар давомида тан олинди, юртимизнинг етакчи одамлари, ижодкор ва олимларини

гизнинг меҳнати натижасидир. Йиллар давомида эски ўзбек имлоси — араб алифбоси ва лотин ёзувларида чиққан газета яна вақти келиб ўз кўринишини ўзгартирар. Ҳозирча ҳар ҳафтада бир маротаба чиқаётган бўлса, кейинчалик унинг ҳафталик сонлари ортар. Аммо, дарахт шохсиз, шон-шухрат эса

сафдошсиз, дўстсиз бўлмагани каби, газета шухратини ёйиш сиз муштарийларнинг сазй-ҳаракатларингиз, билимдонлигингиз, илмга чанқоқлигингиз, интилувчан ва изланувчанлигингизга боғлиқдир. Йўл-йўриқларингизга муштоқмиз. Газетамиз ҳам ҳамisha қувноқлиги, навқиронлигини сақлаб қолсин, замон билан баробар қадам ташласин, кўллаб, — авлодларни ўз нуридан баҳраманд этсин десангиз, ёзинг, кўнгироқ қилинг, келиб меҳмонимиз бўлинг.

## ИНСОН НАСЛИ АБАДИЙ

танитишда минбар бўлди.

Эҳтимол, Турсуной Солиева, Феруза Жалилова, Сайриддин Холов, Абдумалик Абдурахмонов, Атхам Каримов, Равиль Альбеков, Феруза Одилова, Умида Қаюмоваларга тўқнаш келсангиз, бир қараңда танимасиз. Аммо бироз суҳбатлашгач, қаердадир кўргандай, ниманидир сўргандай бўлаверасиз. Ҳа, албатта уларни танийсиз; чунки газетамизнинг кўлигизга ўз вақтида етиб бориб, кўнгилингизга қанчалик ўрнашаётгани ана шу ака ва опаларини



### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Юртимизга Россия Федерациясининг ҳукумат раиси Виктор Черномирдин ташриф буюрди. Юртбошимиз билан бўлиб ўтган ўзаро музокараларда асосан иқтисодий масалалар муҳокама этилди.

\*\*\*

«Соғлом авлод учун» республика жамғармасига Швейцариядан 26 минг долларлик дори-дармонлар келтирилди. Уларнинг асосий қисми бемор болалар саломатлигини тиклашда қўлланилади.

\*\*\*

Хўжаобод педагогика-қишлоқ хўжалик лицейи ўқувчилари таҳсил олишни вақтинча тўхтатиб, ғалла йиғим-теримида жамоа хўжаликларига кўмаклашишни бошлашди.

\*\*\*

Андижон вилоятидаги Ардай оромгоҳида Ўзбекистон ёш геологларининг слёти бўлиб ўтди. Унда болалар тоғ жинсларини излаб топиш, хариталар тузиш, бир жойда туриб масофаларни ўлчаш каби ишларда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

\*\*\*

Пойтахтимиздаги «Қизил тонг» маданият саройининг болалар гуруҳи «Гулғунчалар ижро этади» номли концерт дастурини тайёрлашди. Ундаги кўшиқ ва рақслар болаларча бегуборлик руҳига йўғирилган.

\*\*\*

Бухоро давлат кўғирчоқ театри Зарафшон шаҳри болаларини ёзги таътининг бир ҳафтасида ўз санъатлари билан мамнун этдилар.



ШУҶИЛАН

КҶНННҶ

ҚҶШЛҶҶ

БҶЛСНН,

«ШОНН

ЮЛДУЗИ»!

Ў  
З  
И  
М  
И  
З  
Н  
И  
Н  
Г

Равиль Альбеков. Менинг содда, камтарин, меҳнаткаш устозим. Биламан, ушбу ёзганим учун мендан ранжийсиз. Чунки, тунов кунни бошқа газетадан сиз ҳақингизда ёзмоқчи бўлиб келган муҳбирга «Ёзсангиз, қаттиқ хафа бўламан» деб рад қилдингиз.

Ҳа, айтгандай, эсингиздами, шу баҳор бошларида иқтидорли болалар анжуманига борган эдик. Ушанда сочларига оқ оралаб қолган бир киши «Сизни кўрар кун ҳам бор экан, устоз?» дея кучоғини очиб келаверди. Сиз бўлса уни дарров таний олмаганингиздан ҳижолат тортдингиз. У эса сира хафа бўлмади. Ҳозирда ёш табиатшунослар маркази директори эканини айтиб, ўқувчилик даврида болалар билан ишлашга ўргатганингизни айтди. Сиз бўлсангиз иш куралининг муруватини чиқиллатганингизча ишда давом этардингиз. Бояги одам турли вилоятлардан келган касбдошларига сиз ҳақингизда билганларини кўни-кўнжидан «тўқар»ди. Баъзилар: «Равиль Альбеков шу кишимиз? Мен унинг исминини гўдаклигимдан биламан, эшитганман» деса бошқаси: «Қирқ тўрт йилдан ошди, мана шу болалар газетасида ишлайдилар, уста сураткаш-да», дерди. «Қирқ йил аввал қандай бўлсалар, шундайлар, сира ўзгармайдилар» дерди меҳр билан танишингиз. Келинг, баъзи бир нарсаларни мен ҳам айтиб берай.

Ёдингиздадир, 1969 йилда ҳам муҳарририятда жуда забардаст журналистлар — Тоҳир Малик, Эркин Маликов, Сафар Барноев, Султон Жаббор, Эркин Хўжаев, Ба-

рот Исроил ва бошқалар ишлашарди. Ўша йили эндигина мактабни тугатган ёшлар ҳам келишганди. Ёшларнинг айниқса сизга жуда жуда ҳаваслари келарди, ҳурмат қилишарди, салобатингиз босарди. Ёз чилласи демай, киш аёзи демай доимо йўлда бўлардингиз, бир вилоятдан келсангиз, ҳатто уйингизга ҳам бормай, бошқасига, кўшни республикаларга жўнаб кетардингиз, йўл юришдан чарчамасдингиз, сиз билан бирга сафарга чиқиш фахр эди. Сиз суратга туширган жойлар ҳам, инсонлар ҳам, ўзи ҳақида ўзи гапира оларди. Сизнинг ишингизга тагсўз ёки мақола ёзиш жуда ўнғай эди. Эҳтимол, ўша ЗАБАРДАСТларнинг халқ орасида машҳур бўлишларига ҳам сизнинг суратларингизга қалб кўри билан ёзилган жумлалари туртки бўлгандир.

Шукр, ёшингиз олтмишни қоралаб қолибди ҳамки, ҳамон ёшлар сафидасиз. Соддагина, тўпоригина, гапларни яширмай, қоғозларга ўраб-чирмамай айтиб, тўкиб кўя қоладиган болалар газетаси билан биргасиз. Бозор иқтисодиётининг дастлабки даврларидаги қийинчиликлар пайтида ҳам бизни тарқ этмадингиз. Касбга садоқат, болаларга меҳр шунчалик бўлар-да.

Азиз устоз! Меҳнат фаолиятингиз бошланишиданок биз билан биргасиз, ҳамон ўзгармагансиз. Ўша ишчанлик, ўша санъаткорлик, ўша маҳорат. Фақат тажрибангиз ошди, ёшингизга ёш қўшилди, холос. Илоё кўз тегмасин, яна кўп йиллар биз билан бирга бўлинг.

Сизга соғлиқ тилаб: ЮЛДУЗХОН

С  
У  
Р  
А  
Т  
К  
А  
Ш



Эндигина уқишлар тугаб, таътил бошланган кунлар эди. Спорт ўқитувчиси Гигант ака қўп қаватли уйлар оралаб борар экан, беш-олти боланинг баланд овозда алланималар ҳақида гаплашгани, сўнг хоҳлаб кулишгани эшитди. Болаларнинг кузи тусатдан устозларига тушиши билан уларини бетон тусиқлар панасига олишди. Бироқ мураббийнинг синчков кузлари аллақачон уларни илғаб улгурган эди!

— Бу ёққа келинлар, шумтакалар, — деди у меҳр билан, — сизларни ахтариб юрган эдим.

Гигант ака бу гапларни ҳеч ким йўқ тарафга қараб гапирган бўлса-да, тусиқлар ордидан аввал битта, кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи бошлар куринди. Улар югуриб устоз ҳузурига келишди. — Гап шу, — деди муаллим қатъий ва жиддий. — Эртага эргалаб соат саккизда «Бустон», «Ўзбекистон» ва бошқа маҳаллалардан уларнингга ухшаган бекорчиларни йиғиб 169-мактаб уйингоҳига тушланасизлар. Қолган гапларни уша ерда гаплашамиз.

Булиб ўтган бу воқеага ҳеч қанча вақт утмай мактаб спорт майдони 70x45 кенгликда қайта созланиб, футбол, волейбол, баскетбол майдони яратилди. Уйингоҳ



### • Спорт ўқитувчиси

## ТҮРТ МАҲАЛЛА ПЛЮС БЕШ ЮЗ ЭЛЛИК



четлари ҳар хил суратли тусиқлар билан ажратилди, 500 нафар томошабин учун уриндиқлар урнатилиб, четларига чим ётқизилди.

Хуллас, хаш-паш дегунча атрофдаги маҳаллалардан 550 нафар спортга қизиқувчи болалар йиғилди.

### БУШ КЕЛМАНГ ОТА-БОЛА ФУТБОЛЧИЛАР

«Диққат, бугун салкин тушганда мактаб уйингоҳида ота-болалар командаси «Бустон» билан «Хувайдо» командалари уртасида беллашув бўлади. Шахмат-шашка, стол тенниси ишқибозлари ҳам учрашувга таклиф этилади. Саксон ешли Нишонхужа ота Асадов, 70 ешли Зайниддин ота Муҳиддиновлар мусобақадорларга оқ фотиҳа берадилар».

Бу эълонни ўқиган барча қизиқувчилар уйингоҳ томон ошиқилди. Мусобақа бошланди. Уйин дастлабки дақиқаларданоқ шу қадар шиддатли тус олдики, томошабинлар гоҳ уринларидан турар, гоҳ қичқирар, гоҳ у ёки бу команда аъзоларига далда беришар, баъзан эса астойдил хафа бўлиб, таъналар ҳам қилишарди. «Бустон» командаси сардори, Абдулатифнинг дадаси Абдугани ака Комилов 1987-1989 йилларда Тошкентда тузилган «Умид» командасида ҳужумчи сифатида иштирок этгани учун ниҳоятда тажрибали, уйин қоидаларини беш қўлдек биларди.

Иккинчи, «Хувайдо» командаси сардори Жаҳонгирнинг дадаси Файзулла ака Маткаримов бўлса тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ҳар икки томоннинг қолган бошқа оталари ҳам бири таксопарк футбол командасида уйнаган, яна бошқаси спортнинг кураш тури билимдон эди. Натижада билимда, чаққонлик ва шижоатда, кучда бир-бирдан қолишмайдиган команда аъзолари

бир-бирларини сира енга олмай ажралишди.

### ШАРИПОВНИНГ ШОГИРДИМАН

Таниқли спортчи Оловиддин Отахоновга халқро мусобақалардан бирида кекса журналист савол берди:

— Энг биринчи устозингиз ким?

— Менда спортга дастлабки муҳаббатни уйғотган Гигант Гиссович Шарипов бўладилар.

Бу сузаларни чемпион шу қадар меҳр, фахр, гурур билан айтдики, бошқа саволга урин қолмади.

Ана шунақа. Устозга шогирди билан, шогирдга эса устози билан фахрланишдек омад ҳаммага ҳам насиб этсин.

### ФАОЛЛАР ИЛТИМОСИ

Яқинда Шайхонтохур тумани ҳокимиятига шу туманининг «Хувайдо», «Бустон», «Ўзбекистон», Қаюм Муртазов номидаги маҳалла фаолларидан бир илтимос мактуби тушди. Унда шундай сатрлар бор: «Туманимиздаги 169-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Гигант Гиссович Шарипов тўрт маҳалла болаларини спортга, жонажон Ватанимизга меҳрини оширишда, уларнинг буш вақтларини фойдали утказишда, қолаверса, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда катта ҳисса қўшмоқда. Унинг узи болаларга шахсий ибрат. 1953 йилда, яъни 8-синф ўқувчиси эканлигиданоқ Ўзбекистон терма командаси таркибида халқро мусобақаларда 15 йил иштирок этган, спорт гимнастикаси буйича собиқ СССР спорт устаси, 40 йиллик фаолияти мобайнида 20 га яқин спорт устаси, 100 дан зиёд спорт номзодини тарбиялаган. Улар орасида Оловиддин Отахонов, Баҳодир Қосимов, Абдумалик Юсупов, Акбар Аюпов, Исроил Иноғомов ва бошқалар бор. Ҳозирда ҳам республика олий командасига ўзбек спортчиларини етказиб беришда фаол. Қайси туманда янги мактаб очилса шу ердаги спорт майдони, залларини жиҳозлашда ва спорт ишларини йўлга қуйишда кумак беради. Узи ишлаётган 169-мактабда футболга ихтисослашган 4 та синф очилса, қизлардан жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда ҳакамлар тайёрлайдиган битта синф очилса ҳисса қўшиди. Унинг ташаббуси билан ота-бола футболчилар командаси тузилиши».

Шу йил, октябрь ойида жонкуяр устоз таваллудига 60 йил тулади. Шу муносабат билан биз болалар деб ёниб ҳалол меҳнат қилаётган Гигант Шариповга «Хизмат курсатган ўқитувчи» унвони берилса, деган истакда эдик.

Биз ҳам мана шу мактаб асосида юқоридаги воқеаларни битдик ва спорт ўқитувчисининг соғлиқлари ва ишларида ривож тиладик.

### Турсуноى СОЛИЕВА.

• Суратларда: (чапдан) «Хувайдо» маҳалла оқсоқоли Олимжон ака Нигматов, Гигант Шарипов, 169-мактаб директори Қозимжон Аъзамов.

2. Болаларнинг шахмат, стол тенниси ва футбол уйинлари пайти акс эттирилган.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

### • Ёз ўтмоқда соз

## ҚАЙСИНИСИ МАЗМУНЛИ?

Болалар бу мусобақага узоқ ва пухта тайёрларик куришди. Ахир 50 та деворий газета билан беллашиш ҳазил гап эмас-да.

Ниҳоят белгиланган кун ҳам етиб келди. Қизилтепа шаҳри марказидаги ҳашаматли «Нафосат» маданият саройи одатдагидан ҳам гавжум. Ўзбекистон ХДП Қизилтепа туман кенгаши, туман халқ таълими, тумандаги «Қизил тонг» газетаси журналистларидан иборат ҳайъат аъзолари танловга тақдим этилган ҳар бир деворий газетани обдон кўздан кечирдилар.

Биринчи ўринга Мирзо Азим Соий Бўстоний номидаги мактабнинг «Истиқлол» деворий газетаси лойиқ деб топилди. Ҳажм жиҳатидан бирмунча катта бўлган бу газетда ранг-баранг ахлоқ-одобга оид мавзулар, ривоятлар, ўқувчиларнинг ўзи ёзган шеър ва ҳикояларга кенг ўрин берилган. Шунингдек, сураткашлик тўғрисидаги қатнашчилари ишлаган мактаб ҳаётини тасвирловчи фотосуратлар ҳам газетанинг анча куркам чиқишини таъминлаган. Шуниси қувончлики, «Истиқлол» деворий газетаси 1930 йилдан буён чиқа бошлаган экан. Буни биз илк лотин алифбосида чиқарилган газеталарнинг айрим фотонусхалардан билиб олдик.

«Маърифат нури» — Мурод Қобилов номидаги мактаб ўқувчилари ижодига мансуб. У халқимизнинг миллий қадриятлари, удувларини ифодалаб берган. Бундан ташқари унда туман тарихий обидалари ҳақида ҳам яхшигина маълумотлар бор. Шунинг учун ҳам унга иккинчи ўрин берилди.

Учинчи ўрин Фурқат номидаги мактабнинг «Навруз» ҳамда «Ватан» деворий газеталарига насиб этди. Жонажон юртимиз мустақиллигининг 4 йиллик тўйи, Қизилтепа туманининг 60 йиллик байрами, фашизм устидан қозонилган галабанинг 50 йиллиги муносабати билан саҳифалардан жой олган материаллар ўқимилли ва мазмундор чиққан.

Аммо уларда мактаб ҳаётига оид материаллар камлиги ва бошқа жўзий камчиликлар, айни чоғда газетчилардаги эзгу интилиш ва бошқа ижобий жиҳатлар танловнинг яқунловчи семинарида бирма-бир айтилиб, муҳокама қилинди.

Ғолиб мактаб газеталари таҳририятларига фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилфуза ДАМИН қизи.

## ЛОЧИН БОЛА

Тумонат одамлар давра олишган. Уртадаги каттакон гилам устида қаратэ буйича мусобақалар борарди.

— Анави лочин кимнинг угли бўлди-а? — деди бир мўсафид хайратомуз, ўзини дадил тутиб, рақибига аниқ зарба бераётган, тўпдек сакраб ҳимояга чоғланаётган болакайга ишора қилиб. — Бир лаҳзада ун юмалаб бир туради-я!

— Танимадингми? Ўзимизнинг ҳофиз бор-ку, Бунёд мелиса, ушанинг угли, — туртди шериги, — Исмиол полвоннинг шогирди у, омон бўлгур!

Шу пайт ҳакамнинг ҳуштаги янграб, йиғилганларни жимликка чақирди. Сўнгра Бехзоджоннинг қўлини баланд кўтариб, ғолиб дея эълон қилди. Ишқибозлар кийкиришиб, Бехзоджонни олқишларга кўмиб ташлашди...

Шу кунни Қарши шаҳридаги 19-мактаб ўқувчиси Бехзод Нафасов вилоят миқёсидаги болалар ва ўсмирлар орасида ўтказилган қаратэ мусобақасида чемпион бўлиб қайтди. У гоҳ югурар, гоҳ баландикка сакрар, гоҳида отасининг елкасига осилиб, севинчи ичига сигмай борарди. Севинмай бўладими? Устозлари — дзюдо буйича республика чемпиони Исроил ака Тўхтамишев ва қаратэ буйича қора белбоғ соҳиби Шаймардон ака Ҳошимовларнинг ишончини оқлади-ку, ахир?!

Бехзоджон хажжи укалари Улугбек, Шербек, Ҳасан-Ҳусанларни ҳам спортга қизиқтириб қўйган. Буш қолди дегунча, ўзи билган қаратэ усулларини уларга ҳам ўргатади. Рўзгор ишларида отасининг яқин кўмакчиси. Ўқишларинг қалай? деб сўрагудек бўлсангиз, беш панжасини кенг ёзиб кўрсатади. Бехзоджон яна шеърини шайдоси ҳам. Абдулла Орипов, Исмиол Тўхтамишев, Сирожиддин Саййиди шеърларини мароқ билан ёд олади, ўзи ҳам шеърлар машқ қилади. Зеро, отаси Бунёд ака Нафасовнинг ҳам орзулари шу: угилларим Исроил полвондек полвону Сирожиддиндек қайноқ шоир бўлишсин.

Ўз устида тинимсиз ишлаётган, изланаётган Бехзоджоннинг олдида юксак доволари ҳали талайгина. Доволарни ортада қолдириб, юртимиз доврғини жаҳонга тарат, лочин бола!

Ўроз ХАЙДАР,


Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

## МАҚСАДИМ — «ҚОРА БЕЛБОҒ» СОҲИБИ БЎЛИШ

— Боғча опа, боғча опа, Шавкатни қаранг ариққа итариб юборди, — дея йиғлаб юборди Феруза. Унинг уст-боши жиққа хул эди.

Буни кўрган Ферузанинг дугонаси

Умида қўлларини ҳавода аллақан-дай ҳаракат қилдириб Шавкат томон юрган эди, «зўравон» ура қочди. Чунки Шавкат Умидани боғчада очилган таэквондо группасининг



фаол аъзоси эканини яхши биларди-да.

— Бунча шалпаймасанг, — жаҳли чиқарди Умиданинг, — доим йиғлаб утирасан, бунақада ҳамма уриб, туртиб кетаверади-да!

Умида шундай деб дугонасининг қўлидан ушлаганча спорт залига олиб келди. Қизларнинг мақсадини даров илғаб олган таэквондо — Шарқ яккакураши тренери Шўхрат ака Абдусамалов кулиб жавоб берди:

— Таэквондо яккакураши болаларни бир-бирлари билан урушишлари учун ўргатилмайди, аксинча, жисмонан тетик, соғлом, чайир, шу билан бирга ўз-ўзини ҳимоя қилувчи спорт туридир.

Мана шунга ҳам икки йил бўлибди. Қизлар ҳам угил болалардан қолишмасдан таэквондо курашининг сирасорларини ўзлаштириб, унинг усулларини тезда ўрганиб олишди.

Ҳозирги кунда Шарқ якка курашига эътибор кундан-кунга ошиб, унинг ишқибозлари кўпаймоқда. Группалар боғчаларда, мактабларда ташкил этилиб, болаларни ўзига маҳлиё қилмоқда. Фақат угил болалар эмас, балки юқорида айтганимиздек қизлар ҳам спо-

ртнинг якка курашига қизиқмоқдалар.

Шаҳримиздаги ана шундай 211-болалар боғчасидаги таэквондо якка кураши ишқибозларидан бирини суҳбатга тортдик.

— Тренеримиз Шўхрат акам «Қора белбоғ» соҳиблар. Мақсадимиз, улардек «қора белбоғ» соҳиби бўлиш, — дейди Баҳодиржон Нигматов. Баҳодиржон «қора белбоғ» эгаси бўлиш учун биринчи навбатда «қизил», «кўк», «яшил белбоғларни босқичма-босқич мукамал ўзлаштириб олгандан кейингина берилишини ҳам айтиб ўтди.

Бу қора кўзларга қараб, уларнинг келажакда жисмонан соғлом, доврок, баркамол, чарчаш нималигини билмайдиган, бир сўз билан айтганда олижаноб йигит-қизлар бўлишига ишонамиз. Таэквондо якка кураши болажонларни жисмонан тарбиялабгина қолмай, маънавий камол ҳам топтиради. Улар номаъқул ишларга сира қўл урмайдиган ажойиб фарзанд, Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилувчи моҳир спортчилар бўлиб етишадилар.

Феруза ОДИЛОВА.



# АЗАМАТНИНГ «ДОДАСИ»

## ЁХУД ҚАЙТА ТУФИЛГАН БОЛА

Карима опа фарзандларини боғча, мактабга кузатар экан, «катта йулдан эҳтиёт бўлиб утинлар» дея тайинлаш одатини қанда қилмади. Болалар эса онаизорнинг гапларига бепарвогина бош ирғаб қўяқолишди. У ёқ бу ёқни йиғиб-териби, ишга отланаётган Карима опанинг кунгли алланечук безовта эди. «Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да», дея тинчлантирган бўлди узини...

Ишхонасига кираверишда уни кутиб турган қизи Муҳайёга қизи тушди-ю хавотири баттар ортди: Ҳа қизим,

гизнинг аҳволи биров яхшиланди, энди умид қилсак булади» дедилар... Кузларимдан шашқатор ёш оқиб кетди. Куп нарсаларни сурай дейманутилим айланмайди. Мен уша кунни, уғлим қайта туғилган кун, дея хотирлайман. Шифокорлар уғилчамни «Улмасжон» деб атай бошлашгани ҳам бежиз эмас. Уғилчам эса ҳар кун бошида парвона бўлаётган Абдулхай акага жуда урганиб қолди. Болалар ҳам яхши гапнинг гадоси эмасми ахир?! «Менинг домла додам» деб атай бошлади. Шу-шу Абдулхай ака булимдаги барча болаларнинг «додаси»га айландилар.

Биз Абдулхай ака Мирсолиқов ҳақида нафақат Карима опадан, у кишининг қўлларидан шифо топаётган қўлаб бемор болаларнинг ота-оналаридан, ҳамкасбларидан фақат илиқ гаплар эшитдик холос:

— Қизим янги туғилганида умуртқа погонасининг кукрак қисмининг орқа томонида куз илгар-илғамас усимтаси бор эди, — дея ҳикоя қилади Янгийул шаҳридан келган Зарифа Солиева. — Бора-бора узи билан баробар усимта ҳам каттара борди. Ҳозир қизим 3 ойлик бўлди, усимтанинг катталиги эса тухумдек келарди. Абдулхай аканинг қўллари дард кўрмасин, операция йули билан усимтани олиб ташладилар.

Қанчадан-қанча миннатдор қалбларнинг дуосини олаётган, қолаверса республикада биринчи бўлиб улган одамнинг бош мия суягини бошқа одамга қўйиш усулини кашф этган Абдулхай ака билан яқиндан танишимиз, дилдан суҳбат кургимиз келди:

— Ёшим ҳам олтмишлардан ошиб қолди. Мени нима қиласизлар, ана ёшлар ҳақида ёзинлар, — дедилар Абдулхай ака камтарона табассум билан. Тугри, умидли,

изланувчан ёшларимиз талайгина. Лекин ҳаёт йули ёшларимиз учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини утайдиган Абдулхай ака каби инсонлар ҳақида қанча ёзсак, шунча оз. У кишининг болалик йиллари, ёшликдаги орзумидлари, ҳамма-ҳаммаси қизиқтирди бизларни.

— Болалигим уруш йилларига тугри келди. 13 ёшли чоғимдан бошлаб ишлаб бошлаганман. Колхозда аравакаш, МТСда тракторчилик қилдим. Кейинчалик кундуз кунлари ўқиб, кечаси ишлаб бошладим. Уша пайтлари тез-тез томоғим оғриб турарди. Қани энди қўлимдан келса-ю узимни узим даволасам, дердим. Улғайгач шифокор бўлиш нияти ҳам ушанда пайдо бўлганди. Ният холис экан, шифокор бўлдим. Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг даволаш куллиетини 1954 йили имтиёзли тамомладим. Москвада академияда таҳсил олиб қайтдим. Мана, 1982 йилдан буён кафедра доценти, нейрохирургия курсининг бошлиғи бўлиб ишлаб келяман. Бизга нафақат жароҳатланганлар, балки бош мия ва орқа мия усмалари, асаб системасининг жароҳатланиши, бош миянинг туғма истискоси, бош ва орқа мия чурралари билан оғриган беморлар республикамизнинг турли бурчакларидан келиб мурожаат қилинади. Биз эса уларга баҳоли қудрат кумаклашамиз. Бош мия жароҳатланишида ёки усмаларида курсатмаларига биноан болаларнинг бошини операция қилишга, турли сабабларга қўра бош мия суякларининг бир қисмини олиб ташлашга тугри келади. Кейинчалик суяк нуқсонлари бор беморларда турли асоратлар пайдо бўлади, тутқаноқ тутадиған, боши доимий равишда оғриб турадиған бўлиб қолади. Хуллас, улар ногирон ҳисобланадилар. Шундай асоратларнинг олдини олиш мақсадида бош мия суякларини беркитиш лозим бўлади. Илгари бош мия суякларининг нуқсонлари органик ойна ёки пластмассалар билан беркити-



лар эди. Бу органик моддалар киши организми учун ёт аъзо ҳисобланади ва ҳеч қачон организм суяклари ва юмшоқ туқималари билан бирикиб кетмайди. Бундан ташқари уларнинг организм учун салбий таъсирлари ҳам аниқланган. Ҳозирги даврда бош мия суякларининг нуқсонларини дээрли ҳамма нейрохирургия булимларида улган одамнинг бош мия суяклари билан беркитиш усули қўлланилаётган ва шу йул билан қанчадан-қанча беморларни ногиронликдан асраб қоляпмиз.

Республикамизнинг барча вилоятларида нейрохирургия булимлари мавжуд.

равматология булимлари ташкил қилинса ва у ерларда фақат болалар шифокорлари фаолият кўрсатишса.

Шу уринда қуйидаги рақамларни келтириб ўтишни жоиз деб уйлайман. 1966-90 йиллар давомида 1877 та бош мия жароҳатланиши натижасида мияси эзилган беморлар операция қилинган бўлса, улардан 272 таси, яъни 14,5 фоизи болалар эди, 182 таси уй шароитида содир бўлган. Энг ачинарлиси, шулардан 30 нафари ҳаёт билан бевақт видолаштиган. Касалхонадан чиқиб кетган бемор болалар вақт ўтиши билан текширилганда, улардан 15 нафарида тутқаноқ тутиши пайдо бўлган ва улар ногирон бўлиб қолганлар. Мен бу рақамларни нима учун келтиряман. Ҳозир айна таътил кунлари. Болаларнинг буш вақтлари сероб. Боғ-роғларимизда шишқичилик, тукин-сочинлик. Фарзандларимиз, айниқса, уғил болалар шўхроқ бўлишади. Дарахларнинг устига чиқиб, мевалар теришади ёки тош отиб қоқишади. Уларнинг дарах устидан йиқилиб тушмасликлари ёки тош тегиб жароҳатланмасликларига ким қафолат бера олади?! Шундай экан, биз катталар, ота-оналар, бува ва бувилар уларни эҳтиётлашимиз, назоратсиз қолдирмаслигимиз лозим, деб уйлайман. Қолаверса, болаларга мактабда эмас, боғча ёшиданоқ йул

ҳаракати қодаларини турли қизиқарли уйинлар асосида ургатиб боришимиз керак. Авайлаганни асрайман, дер экан яратган ҳам. Шундагина умид гунчаларимиз очилмай туриб сулмайди, майсаларимиз бевақт хазон бўлмайди.

Абдулхай аканинг сузларини тинглар эканмиз, қўлларини зимдан кузатамиз. Қанчадан-қанча шифо, нажот истаб келган хаста дилларга малҳам бўлган сеҳрли бармоқлар. Ҳаёлимиздан бир уй кечади: уруш йилларида инсон ҳаётини сақлаб қолганлик — қаҳрамонлик дея баҳоланарди. Ҳозир-



Лекин, болалар учун алоҳида нейрохирургия ёки нейротравматология булимлари етарли даражада эмас. Шу сабабли бош мияси жароҳатланган болаларнинг кўпчилиги катталар билан бирга нейрохирургия булимида даволанадилар. Болаларнинг катталардан фарқи организмнинг катта-кичиклигидан ташқари, яна уларнинг ҳар бир органининг анатомо-физиологик тузилишлари, уларнинг иш фаолияти ҳам узига хос бўлади. Бу хусусиятларни эътиборга олмай туриб, болаларни тугри ва тулик даволаб бўлмайди. Истардимки, ҳар бир вилоятда болалар нейрохирургия ёки нейрот-

ги тинч ҳаётимизда ҳам инсон ҳаёти учун курашаётган Абдулхай ака сингари ҳазрати инсонларимизни давримизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари десак, нокамтарликка йўйманг. Зеро, улар бор экан, саломатлигимиз қўрғони мустаҳкам бўлади.

**Феруза ЖАЛИЛОВА.**

Суратларда: «Қайта туғилган» митти Азаматнинг домла додасига айтар гаплари кўп. Абдулхай аканинг иш кунидан лавҳалар.

**Р. Альбеков суратга туширган.**

тинчликми?»

— Азамат... Азаматингизни машина...

Қизча қолганини гапира олмади, йиғлаб юборди.

Кутилмаган шумхабардан Карима опа узини йўқотиб қўйди. Оёқлари унга буйсинмас, жонсиздек эди гуё. Қай аҳволда касалхонага етиб келганини билмайди. 5 ёшли уғилчаси Азаматни таниб бўлмасди. Бош чаноғи очилиб кетган, юз-кузлари қонга беланган, хушсиз ётарди.

— Уғлимни кўрдиму қарахт бўлиб қолдим, — дея хотирлайди Карима опа кузларида ёш билан. Ранги кукимтир тусда, мурдадан фарқи қолмаганди. Тугри, уни йўқотдим, деб ҳам уйлагандим. Зудлик билан жонлантириш бўлимига, кейин эса жарроҳлик хонасига олиб кириб кетишди. Шу кирганча салкам 3 соатлар чамаси вақт утгач, шифокорлар бирин-кетин қора терга ботиб чиқиб кела бошлашди. Уларнинг қаршисига ошиқдим, умид билан кузларига тикилдим.

— Сизнинг уғлингизми?— сурадилар мендан Абдулхай ака. Тасдиқ маъносиде бош ирғадим.

— Токи узим бирон гап айтмагунимча, мендан ҳеч нарса сураманг.

Орадан беш кун утгач уғлимнинг ҳарорати кўтарилиб кета бошлади. Маълум бўлишича, бош мияда йиринг тушланаётган экан. Яна қайта очиб бир неча мартаба тозаланди. Абдулхай ака Мирсолиқов ҳамда уларнинг умидли шогирдларидан тиббиёт фанлари номзоди Мурод Бурисев, Одилхон Усмонхоннов, Нозимбек Утаев, жонлантириш булимидан Мавлон Мелибоев, Анвар Юсупов, Маргарита Ем, Кимсанбой Боймирзаев, Нигмат Даминов каби шифокорлар омон бўлишсин, жонлантириш булимида кеча-ю кундуз уғлимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашдилар. Саккизинчи кунни Абдулхай ака ёнимга келиб, «уғлим-





«Алпомиш» дostonида номи келтирилган усимликлар орасида тоғлик жойларда усадиган хиллари кўпчиликини ташкил этади. Бу эса асарнинг асоси қарағай, қайин, қора арча, бодом сингари дарахтлар усадиган тоғлик жойларда вужудга келган, деб тахмин қилишга асос беради.

Бундай усимликлар ердамида дostonда тавсиф этилган афсонавий жойларнинг ҳозирги тарихий урнини аниқлаш мумкин бўлади. Мана, масалан, «Алпомиш»да машҳур «Бойсун» деган музофот тавсиф этилади. Дoston бош қаҳрамонининг асли ватани ҳам шу — Бойсун юрти. Уша афсонавий юрт урни ҳозир қайси жойга тугри келади?

Дostonда нақл этилишича, Бойсунда жийда, қамиш, тол, оқ қайин, терак, чинор усади.

Жийда жуда қадимги дарахтлардан саналади. У узбек, қозок, қорақалпоқ халқлари афсоналарида кўп тилга олинади. Бу мевали дарахт ҳозир Марказий Осиёда, Волга бўйида учрайди. У одатда, дареларнинг урта оқими соҳилларида усади. Марказий Осиёдаги жийдазорлар, асосан, Қашқадарё, Сирдарё ва Зарафшоннинг урта оқимлари ҳудудига тугри келади.

Бойсунда усими нисбат берилган дарахтлар орасида оқ қайин кўп тилга олинади. Масалан, дostonда: «Ез мавсуми келиши билан кул атрофида яна оқ қайин барг ёсади» дейилади. Маълумки, оқ қайин Марказий Осиёнинг фақат тоғлик ҳудудларида усади. Текисликларда эса мутлақо учрамайди.

Шундай қилиб, «Алпомиш» дostonида тавсиф этилган кўпчилик усимлик ва дарахтлар Марказий Осиёнинг тоғлик ва тоғолди ҳудудларида усади. Демак, афсонавий Бойсун юртининг урни ҳозирги Сурхон, Чирчиқ, Зарафшон дарелари водийларига тугри келади.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

УНИНГ КЎЗЛАРИ ҚАХРЛИ ЭДИ

Эски шаҳардан Юнусободга қатнайди-ган 26-троллейбусда йўловчилар сийрак, кимдир деразадан ташқарига термулганча, кимдир китобга тикилиб, кимдир хаёл суриб борарди. Шу пайт ойисининг тиззасида ўтирган қизча бирданига чинқириб йиғлаб юборди. Саросимага тушган она: «Нима бўлди?» дея фарзандини маҳкамроқ бағрига босди. Қизча бўлса рўпарасида турган ўрта ёшлардаги кишини кўли билан кўрсатиб, баттароқ йиғларди.

Энди мен ўша кишига қарадим. Ҳақиқатан ҳам у одамнинг кўриниши кўрқинчли эди. Юзининг ҳамма жойи чандиқ билан қопланган, кўзлари ич-ичига ботган, қахрли эди.

Бирданига одамларнинг диққатини бошқа бир воқеа тортди. Билет сотувчи йигит қоп кўтариб олган бир ўсмирдан йўл ҳақи тўлашни талаб қиларди. Бошланг, оёқ-яланг, озгингина бола эса пули йўқлигини айтиб, тобора бурчакка қисиларди. Ниҳоят боладан ҳеч нарса чиқмаслигига кўзи етган билет сотувчи шахд билан ҳайдовчи томон юрди. У алланима дегандан сўнг машина таққа тўхтаб, эшикларини очди. «Ҳой бола, тез туш машинадан!» яна қичқирди у.


«Жон амаки, қопимда молга ем бор эди, оғир, ҳеч бўлмаса бекатгача етиб олай!» ялинишга тушди бола.

Одамларнинг диққати икки кишига қадалиб турганда, ҳаммани ҳайрон қолдириб, бояги бадбашара одам «тилга» кирди.

— Ҳайда машинангни, ҳе, садқаи одам кет, ма, мана бу ўн сўмни ол, болани тинч қўй!

Ана шундан сўнг троллейбус ичидагилар енгил тин олишди. Менга эса ўша бадбашара амаки жуда чиройли кўриниб кетди.

Муҳайё АХМЕДОВА,  
Тошкент шаҳар, Комил Ёрматов  
номидаги мактаб ўқувчиси.



Абдурахмон Акбар

БИР ҚИШЛОҚ БОЛАЛАРИ

Нор Холматни «қўй» деди, Холмат Норни деди «кал». Ҳазил ҳазил билан бўп Бошланиб кетди жанжал. Икки ўртоқ, икки ёв Олишмоқчи бўлдилар. Дўппослашиб, муштлашиб, Солишмоқчи бўлдилар. Синфбоши Баҳодир, Ботиру Ҳабиб, Ҳамдам Ёвлашсангиз, дўстликдан Воз кечамиз деса ҳам, Икки «полвон», «пахлавон» Икки ўртоқ «кал» ва «қўй» Бир-бирига ўқрайиб Сира беришмасди бўй. — Тўхта! — деди шу фурсат Эш ўрндан туриб даст. — Майли сиз баланд бўлинг, — Майли биз бўлайлик наст. Дадамлар дердиларки, Кўз ёши бўлар тахир. «Қаҳрамон» бўлиш осон, Номусли бўлмоқ оғир. Ниёзбош деган юртининг Гулимиз, лоласимиз. Унутманлар, биз ахир Бир қишлоқ боласимиз, Бир қишлоқ боласимиз...

«ҚЎРҚОҚ» СИЧҚОН ҲАҚИДА ШЕЪР

— Учми — тўрт марта кўрдим Уйда юрганин чопиб. «Чий — чий»лаб кўяди денг, Олгандек тилла топиб. Менга кўзи тушган чоғ, Мўлжал олар таҳмонни. Шундай дегач акамлар Ишга солдик қопқонни, Тўғри-да, ўйнай деса, Ахир кўча, қир тайёр. Сичқон деган маҳлуққа Уй ичида нима бор? ... Утса ҳамки орадан Икки, уч, ҳатто беш кун. «чий — чийвойи» тушмагур Бўлай демади тутқун. Тулкидан ҳам ўтаркан Айёрликда ярамас. Оқшом чўкди дегандан Қорасини кўрсатмас. Кундуз кунлари бўлса, Уша аҳвол, ўша ҳол. «Ашула»син ванг қўйиб, Уйда чопар бемалол... Бўлавергач овора Тугади бизда тоқат. Кўшиқчимиз феълени Билиб олдик ниҳоят: Мард бўлса ҳам сичқонбой, Ботир бўлса ҳам жуда, Ташқарига чиқишга Қўрқаркан қоронғуда...

РАДИО-ВИКТОРИНАДА

Азиз болалар! Газетамизнинг 11 июль сонидида Ўзбекистон радиоси «Келажак тонги», «Бола ва дунё» эшиттиришининг Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти Марказий Кумитаси билан ҳамкорликда ташкил этган радио-викторинанинг дастлабки туртта саволини эълон қилган эдик. Бугун эса унинг навбатдаги туртта саволини эълон қилишимиз.

5. Флоренс Найтингейл медали ҳақида нималарни биласиз?

- 6. 8 май куни қандай байрам?
- 7. Донорлик нима?

8. Кўп қон йўқотган кишига дуч келган қонни қуйиш мумкинми? Эслатма: Радиовикторинадан 20 та савол урин олган. Бутунга қадар улардан 14 таси эълон қилинди. Умумий ҳатлар сони эса юзтадан ошиб кетди. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри Абдурахмон Жомий номидаги мактаб ўқувчилари Дилдора Қодирова, Хуршида Урунова, Озода Раҳматова, Дилсуз Саъдуллаева, Лола Мусажонова, Нилуфар Қўйсина, Жиззах вилояти, Баҳмал тумани, Шароф Рашидов номидаги мактаб ўқувчиси Матлуба Раҳмонқуловалар ҳар бир саволга тулик ва тугри жавоб беришган.

Уйлаймизки, энди газета орқали саволлар билан танишган болалар ҳам радио-викторинада фаол иштирок этишади. Ёдингизда булсин, викторина 23 октябрда якунланади.

ИШТИРОК ЭТИНГ

БОЛАЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ

БМТ НИНГ ОРОЛГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИ, НУКУСДА ЎТАДИГАН БОЛАЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИ ВА БАНГКОК ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО КЎРИК-ТАНЛОВГА ЭНГ ЯХШИ ИШЛАР САРАЛАШ ТУРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ 1 ВИЛОЯТЛАР БОСКИЧИ

Қорақалпоғистон Республикаси, «ЭКОСАН»нинг халқаро фонди, вилоятлар Халқ таълими ва маданият бошқармалари болалар чизган 32,2 x 45,5 ҳажмдаги расмларини саралаб қуйидаги 5 мавзулар бўйича маъқуллайдилар:

- 12 ёшгача булган болалар учун «Болалар ва атроф-муҳит»;
- 13 ёшдан 17 ёшгача булган болалар учун «Инсон фаолияти ва атроф-муҳит».

Ҳар қайси вилоят аб тадан энг яхши суратни (жаъми 12 та) саралаб, 10 августга қадар «ЭКОСАН» халқаро фондида жунатини шарт. Манзилгоҳ: Абдулла Туқай кучаси, 1-уй.

Ҳакамлар ҳайъти томонидан саралаб олиниб, Тошкентта юборилган барча ишлар муаллифларини муқофотлаш ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун жойларда маблаг топиш йуллари изланиши зарур.

Қурик-танловнинг вилоятлар босқичида голиб чиққанлар, яъни ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан саралаб олинганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишади:

Тугтилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг фотонусхаси ва биоаборот (соғлиги ҳақидаги тасдиқнома).


2. РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИ (1995 йилнинг 15 СЕНТЯБРИГАЧА)

Тавсия этилган ишлар республика болалар бадиий ижодиети маркази, республика қўғирчоқ театри, «ЭКОСАН» фонди бўлимлари залларида доимий (вақти-вақти билан янгилаб турилиб) кўргазма учун жойлаштирилади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан саралаб олинган энг яхши ишлар БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси орқали Бангкок шаҳрига Халқаро болалар чизган расмлар кўргазмасига ва Нукусдаги болалар расмлари кўргазмасига БМТнинг Оролга бағишланган Конференциясига жунатилади.

Булардан ташқари Бангкокка юбориш учун танлаб олинган 6 та энг яхши ишлардан ташқари ҳар бир вилоятдан яна 6 тадан энг яхши ишлар саралаб олинади. Улар «ЭКОСАН»нинг (ҳомийларнинг имкониятларини жалб этган ҳолда) муқофотлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

Ташкил этилган кўргазма якунига биноан болаларнинг энг яхши расмлари тўплам ҳолда чоп этилади.



Муаллим, сигаретдан олиб кетинг!

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир ҳайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Феруза ЖАЛИЛОВА, Раҳима ШОМАНСУРОВА, Марат ШАФИЕВ, Сайридин ХОЛОВ (масъул котиб)</p>	<p>IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буяртма — Г 0350. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137</li> <li>• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.</li> <li>• Телефон: 33-44-25</li> </ul>
---	---	--	--	--